

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 2-iyun, payshanba

№ 20 (9184)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ЎЗБЕК-ТОЖИК ДЎСТЛИГИ АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА
ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЎНДАН
ОРТИҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ
МАРКАЗЛАРИ ҚАТОРИ
ТОЖИК ВА ТОЖИКЗАБОНЛАР
МАРКАЗИНИНГ ҲАМ ЎЗ ЎРНИ БОР.

Самарқандда яшовчи тожиклар ва тожик тилида сўзлашувчи аҳолининг миллий анъана ва қадриятлари, урф-одат ва маросимларини асраб-авайлаш ва давом эттиришлари кўмаклашиш, маданият, адабиёт, санъат ва бошқа йўналишларда иш олиб бориш марказ фаолиятининг асосини ташкил этади.

– Аслида, ўзбек ва тожик халқлари бошқа тилда гаплаша-да, урф-одат ва анъаналаримиз, маданият ва санъатимиз, турмуш тарзимиз деярли бир хил, – дейди Самарқанд вилояти тожик ва тожикзабонлар миллий маданият маркази раҳбари Акбар Маҳмудов. – Адабиётимиз илдизлари ҳам азалдан муштарак бўлиб келган. Навоий ва Жомийнинг бу борадаги хизматлари ҳамон икки халқ адабиётини, адабий алоқаларини мустаҳкамлаб турибди. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг дўстона муносабатлари, бир дарёдан сув ичиб келаётган ўзбек ва тожик халқларининг хоҳиш-истакларига мос оқилонга сиёсатлари тўғрисида бу алоқалар янада ривожланмоқда. Биз ҳам бунга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан фахрланамиз. Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда марказимиз ташаббуси билан “Саодати дўсти”, “Айнийшунослик Самарқандда”, “Си гуфтор аз си тор”, “Армуғон”, “Субҳ ба хайр” номли шеърый-публицистик китоблар чоп қилинганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўтган йили халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан эълон қилинган грант танловида Ўткир Хошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” китобини тожик тилига таржима қилиш бўйича лойиҳа билан қатнашиб, ғолиб бўлгандик. Йил бошида ушбу китоб “Қайд-ҳо дар хошияи дафтар” номи билан нашр этилиб, вилоятдаги таълим муассасалари, маҳаллаларга тарқатилмоқда. Яқинда кенг жамоатчилик иштирокида ушбу китоб тақдирини ҳам ўтказдик. Бундан ташқари, бу йил Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонднинг 40 миллион сўмлик грантини қўлга киритиб, Наврўз мумҳалқ байрами билан

боғлиқ анъана ва қадриятлар ифодаланган китоб тайёрлашми. Насиб этса, Мустақиллик байрамига қадар ушбу китоб чоп этилади. Бу йил марказимиз учун самарали йиллардан бири бўлмоқда. Республика тожик миллий маданият маркази, Тожикистон ёзувчилар ва журналистлар иттифоқлари билан ҳамкорликда бир қатор маданий тадбирлар, ижодий учрашувлар ўтказдик. Қўшни давлатдаги ижодий уюшмалар вакиллари келиб, Самарқанддаги ижодкорлар, таҳририятлар фаолияти билан танишди, ўзаро ҳамкорлик бўйича келишувларга эришилди. Тожик тилида ижод қилаётган самарқандлик уч нафар ижодкор Тожикистон ёзувчилар уюшмасига, икки нафар журналист Тожикистон журналистлар иттифоқи аъзолигига қабул қилинди. Ўзбек ва тожик адабиётининг етук вакили Садриддин Айний таваллудининг 144 йиллигини республика миллий маданият маркази билан ҳамкорликда Самарқандда кенг нишонладик. Шунингдек, яқинда Тожикистоннинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Самарқандда бўлиб, марказимиз фаолияти билан танишди. “Овози Самарқанд” газетаси ижодкорлари билан учрашди. Ўз навбатида, самарқандлик ижодкорлар ҳам тез-тез Тожикистонга бориб, адабий алоқаларимиз ривожига ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда Самарқанд ва Тожикистоннинг Суғд вилоятлари ўртасида дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган алоқалар ўрнатилган. Ҳар йили ушбу вилоятларда бизнес форумлар, маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Суғд вилояти раҳбарияти тақлифига кўра, шу йилнинг 15 апрель кунини самарқандлик бир гуруҳ фаоллар Панжикент шаҳрида ўтказилган Наврўз байрами тантаналарида иштирок этдик. Жорий йилда Самарқанд ва Хўжанд шаҳарларида икки вилоят кунларини ўтказиш режалаштирилган. Бу тадбирлар албатта, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Давлат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган ташрифлари эса бу алоқалар пойдеворини мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири.



Жиззах вилояти ҳокимининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари Синдор Раҳмонқулов (чапдан биринчи) халқроқ медиа-тур иштирокчиларини вилоятнинг бугунги ҳаёти билан таништирмоқда.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖИЗЗАХ – ОАВ НИГОҲИДА 4

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан “Янгиланаётган Жиззах журналистлар нигоҳида” мавзусида хорижий, республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун халқроқ медиа-тур ташкил этилди.

Тадбир Жиззах шаҳридаги Шароф Рашидов ва ўзбек адабиётининг икки буюк қалб эгаси Ҳамид Олимжон ҳамда Зулфияхоним ҳайкаллари пойига гул қўйиш ва уларнинг хотирасини ёд этиш билан бошланди. Зардўзлик, каштачилик, хунармандчилик намуналаридан ташкил топган кўргазма ва Жиззах миллий либослари, Фориш туманидаги “Боғдон гуллари” фольклор этнографик халқ ансамбли аъзоларининг чиқишлари намойиш этилди.



1 июнь – Халқроқ болаларни ҳимоя қилиш кунини

ЎЗБЕКISTON – ТўЛАҚОНЛИ БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

Жажжи ўғил-қизларимизнинг биргина ширин табассуми учун бутун борлиғимизни бахшида этишга тайёр халқимиз. Уларнинг саломатлиги эса барчамиз учун бебаҳо неъмат.

Бугун юртдошларимизга хос ана шу болажонлик фазилати давлатимизнинг ёш авлодга доир сиёсатига ҳам тўла-тўқис кўчган. Хусусан, эртамиз эгалари саломатлиги алоҳида эътиборда. Гўдақларни ҳали она вужудида эканлигидаёқ шифокорлар назоратига олиш тизими йўлга қўйилган. Уларнинг тўрт мучаси соғлом бўлиб вояга етиши учун барча имкониятлар ишга солиняпти.

2



ЭНДОКРИН КАСАЛЛИКЛАРИ НЕГА КЎПАЙМОҚДА?

3

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Ҳозирги биз яшаётган жамиятда эндокрин касалликлари нега кўпаймоқда, деган савол ҳар бир кишини ташвишга солмай қўймайди. Қандай сабаблар билан йил сайин бу касаллик тури кўпаяётир. Ҳаёт ташвишлари ортаётганиданми ёки бўлмаса муаммолар ҳал бўлмаётганиданми? Бундан ташқари ҳар бир кишида ахборотнинг ҳаддан ташқари кўпайиши тўғрисида доимий ташвишларнинг ошаётганиданми? Яқинда бир кишининг оилавий поликлиникада шифокор қабулига киришдан олдин ўз дардини ўша ерда ўтирганларга тўқиб солаётгани устидан чиқиб қолдик.

ГАЗЕТА –

ЎҚИШ УЧУН ЧОП ЭТИЛАДИ

ЁХУД ГАЗЕТАДАН
УМРБОД МИННАТДОРМАН



2

Шифокор бўлмаган одамнинг маслаҳати аксарият ҳолларда беморнинг зарарига хизмат қилади

ЭНДОКРИН КАСАЛЛИКЛАРИ НЕГА КЎПАЙМОҚДА?

(Боши 1-саҳифада)

– Менинг ота-онамда ҳам, уларнинг ота-онасида ҳам қандли диабет касаллиги бўлмаган, нега менда чиқиб қолганидан ташвишга тушиб бу ерга келдим, – деди у. – Энди менинг авлодларимга ўтиши табиий. Негаки, бу касаллик авлоддан авлодга ўтиши мумкин экан... Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан бу касалликларнинг олдини олиш ва эндокрин касалликлари билан оғриган беморларни даволашни қулайтириш, уларга яратилган шароитларни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида махсус қарор қабул қилинди...



худудий эндокринология муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, 3,3 миллион АҚШ доллари миқдорига замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шу билан бирга, эндокринология хизматини республика бўйича ягона интеграциялашган тизим сифатида шакллантириш, йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликлар профилактикаси, қандли диабет касаллиги ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш билан боғлиқ тиббий-ижтимоий тадбирлар самарадорлигини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Жорий йилнинг биринчи апрелидан эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва мақсадли кузатишни таъминлаш учун тиббий кузатув ва патронаж янги моделининг жорий этилиши ҳам яхши амаллардан бири бўлди.

Улар ўзларича баҳсларини давом эттираётганида қабулга навбати келган бемор ичкарига кириб кетди. Бизда эса ушбу баҳса сабаб бўлаётган касалликлар турлари ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш, уларни даволашдаги янгиликлар ва амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсилроқ билиб, мақола ёзиш истаги туғилди. Воқид йўлида бундан икки йил бурун куриб, ишга туширилган республика Эндокринология илмий текшириш институтининг Фаргона филиалига келиб, бош шифокор ва соҳа мутахассислари билан учрашиб уларга бир неча саволлар бердик.

– **Нима учун қандли диабет касаллиги Ўзбекистонда, шу жумладан, Фаргона вилоятида сезиларли даражада ортиб бормоқда, ни келтириб чиқараётган омиллар нималардан иборат?**

– Ҳозирги пайтда нафақат Ўзбекистонда ёки вилоятимизда, балки бутун дунёда эндокрин касалликларига чалинаётганлар сон ортиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотига қараганда эндокрин касалликка чалинганлар сони дунё бўйича 100 миллион кишидан ошади. Уларни даволашда керакли муолажалар берилаётди. Шунинг ҳам айтиш керакки, айрим Европа давлатларида бу касалликка жуда жиддий касаллик сифатида қарашмайди. Турмуш тарзининг ўзгариши деяр қаралгани учун кишилар ўз вақтида муолажаларини қилиб юраверади. Чунки улар фуқаролар яшаш шароитидан келиб чиқиб, профилактик ишларни ўз вақтида ўтказадилар. Шахсий гигиенага амал қилдилар, парҳезга риоя қилингани тўғрисида ҳам диабет асорати бўлмайди. Бизда эндокрин касалликларни кўпайётгани бор гап. Бугунгача вилоят бўйича бу касаллик бўйича ҳисобда турган касаллар сони 250 минг кишидан ортади. Уларни даволашда муайян самараларга эришиб келмоқдамиз. Президентимизнинг “Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига тасдиқлашчи, 2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастур доирасида диагностика ва даволашнинг янги стандартлари тасдиқланди, 75 минг нафарга яқин беморлар 40 миллиард сўмдан зиёд Давлат бюджетни маблағлари ҳисобига 100 фоиз инсулин билан бепул таъминланди, 200 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига 14 та

Оилавий шифокорларни эндокрин касалликларни ташхислаш ҳамда даволаш бўйича қайта тайёрлаш, эндокрин касалликлар мавжуд оилаларга махсус тайёргарликдан ўтган патронаж ҳамширасини бириктириш, патронаж ҳамшираси томонидан эндокрин касаллиги бўлган, умумий ҳолати қониқарли ёки хавф гуруҳидаги аҳолини эрта аниқлаш ва дифференциалланган ёндашув асосида кузатиб бориш, тиббий кузатув натижалари бўйича хавф омиллари юқори бўлган беморларни шифокор олди кўриги хоналари ҳамширалари ҳамда оилавий шифокорларга йўналтириш, эндокрин касалликлар бўйича хавф гуруҳига кирувчи беморлар устидан доимий кузатув ўрнатиш мақсадида барча тиббиёт бригадаларини глюкометр ва махсус тест япроқчалари билан таъминлаш, ташхислаш ва даволаш мақсадида беморларни бир кунлик диагностика стационар кузатиш тизимини жорий этиш амалга оширилади. Бундан буён эндокринология хизматини республика бўйича ягона интеграциялашган тизим сифатида шакллантириш, йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликлар профилактикаси, қандли диабет касаллиги ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш билан боғлиқ тиббий-ижтимоий тадбирлар самарадорлигини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

– **Шифохона худудидан ногиронлар аравачасида юраётган кўпбала беморларни учратиш қоламиз. Қандли диабет касаллигига чалинганлар орасида оёғидан ажраётганлар кўпми?**

Ушбу саволимизга шифохона хирургия бўлими мудири **Абдубанноп Мадолмов** жавоб берди: Аҳоли орасида қандли диабет касаллигига чалинганлар ичида билмасдан оёқ панжаларини

эҳтиётламай, шикаст етказётганлар ҳам учраб турибди. Айнан ушалар гигиена қоидаларига амал қилмаганликлари, ўзлари била туриб қўлларини, оёқ панжаларини эҳтиёт қилмаганликлари тўғрисида операция столига ётишга мажбур бўлмоқдалар. Бўлимимизга икки кун аввал 42 ёшли бемор ўнг оёқ бош бармоқ соҳасидаги орғиқ билан мурожаат қилди. Бемор уй шароитида тирноғини олган. Шундан сўнг бироз орғиқ ҳис қилган. Лекин шифокорга мурожаат қилмаган. Интернет орқали реклама қилинаётган турли дори воситаларини уй шароитида ўзбошимчилик билан қўйиб юрган. Натижада малакали шифокорга кеч мурожаат қилган. Бу вақтда бармоқни сақлаб қолишнинг иложи йўқ эди. Яна бир мисол, қандли диабет билан оғриган 24 ёшли қиз ўзининг таниш гўзаллик саломида оёқ тирноқларига ишлов беради, халқ тили билан айтганда педикюр қилдиради. Аммо уч кундан сўнг ўнг оёқ бош бармоғи йиринглаб кетади. У ҳам шифокорга мурожаат қилиш ўрнига ўша педикюрчи қизга айтади. У эса ўзи шунақа бўлади, деган жавоб беради. Натижада бемор бармоқни сақлаб қолиш мумкин бўлган қимматли вақтни бой беради.

– **Халқ орасида қон олдириш, зулук солиш деган гаплар юради. Қандли диабет касаллигига чалинганлар қон олдириш ёки зулук солиш орқали даволаниши мумкинми?**

– Ҳақиқатан ҳам халқимиз орасида қадимдан қон олдириш, зулук солиш орқали даволаниш усуллари давом этиб келмоқда. Илгари ҳозиргидай шифокорлар бўлмаса ҳам ҳақимлар бўлган. Ҳозир ҳам халқ табобатидан фойдаланиш мумкин. Бироқ, ўша қон олдирадиган одам қандли диабет касаллигига чалинган ёки чалинмаганини билиши лозим бўлади. Зулук солишда ҳам меъёр бўлиши шарт, ўша одамга айни пайтда зарурми ёки йўқми, билиш керак. Тажрибамиздан шу нарса маълумки, жуда кўп кишилар ўйламасдан қон олдирадилар. Бу тўғри эмас. Айниқса, қандли диабет билан касалланган беморлар эҳтиёт бўлишлари зарур. Кўз кўяман деб, қош чиқариш керак эмас.


– **Демак бундай муолажалардан аввал шифокор маслаҳатини олиш керак экан-да.**

– Ҳа, албатта.

– **Айтингчи, яна нималарга эътибор қаратиш лозим?**

– Қандли диабет касаллигининг энг оғир асоратларидан бири бу диабетик тўпик синдромидир. Бу асорат эса ўз навбатида бармоқ ёки оёқнинг бир қисмидан айрилишга ва оқибатда ногиронликка олиб келади. Бунинг олдини олиш эса аввало беморларнинг ўз кўлларидан. Бунинг учун ҳар бир киши ўз соғлигига масъул бўлиши талаб этилади. Оёқлар парваришининг бир неча оддий қоидалари бор. Энг аввало, тўғри ва мос оёқ кийим танлаш, доимо оёқларни ва бармоқлар орасини назорат қилиб туриш зарур. Яланг оёқ юрмаслик, оёқ кийим кийишдан аввал унинг ичинини кўриш, қоқиш керак. Ичига бирор жисм кириб қолган бўлиши мумкин. Иситиш воситаларидан узоқроқ туриш ҳам муҳим. Тирноқ олишда қайчи, тирноқ олгичдан фойдаланмаслик, бунинг ўрнига махсус ағовдан фойдаланиш, оёқлар қуруқшаган ва ёрилганда махсус диабетлар учун кремлардан фойдаланиш зарур. Энг асосийси, оёқларда ҳар қандай ўзгариш сезилганда дарҳол мутахассисга мурожаат қилиш лозим. Шифокор бўлмаган одамнинг маслаҳати аксарият ҳолларда беморнинг зарарига хизмат қилади.

Ҳамиджон БУРҲОҶОНОВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.



Қарор ва ижро

▼ **Инсон қадрини учун**

ОЧИҚ ВА ХАЛҚЧИЛ

МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ҚАРОРЛАРИ УСТИДАН БЕРИЛГАН ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари файриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқини амалга оширишни таъминлаш мақсадида маъмурий судлар ташкил этилган. Ҳозирги кунда маъмурий судлар фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, маҳаллий ҳокимликларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш, уларнинг ноқонуний қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ўз вақтида самарали ҳимоя қилишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги “Давлат органлари билан мансабдор шахсларнинг ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, соҳа янада очиқ ва халқчил бўлиши учун қатор ўзгаришлар амалга оширилиши белгиланган. Авваламбор, мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизими такомиллаштирилиши, яъни маъмурий судлар ваколатлари кенгайтирилиши, Шунингдек, маъмурий судларга давлат идоралари томонидан етказилган зарарни қоплаш ва бошқа ҳуқуқий оқибатларга оид масалаларни ҳал қилиш ваколати берилди. Бундан ташқари, энди қарор ноқонуний эмаслигини судда исботлаш мажбурияти уни қабул қилган мансабдорнинг ўзига юкланади. Иккинчидан, судлар фаолиятига “ягона дарча” тартиби жорий этилади. Яъни, бундан буён иш фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлишидан қатъи назар, ариза “ягона дарча” асосида қабул қилинади. Бу эса фуқаро ва тадбиркорларнинг эшикма-эшик сарсон бўлишига чек қўяди.

иштирок этиш мажбуриятини юклаш зарарда тутилмоқда.

Давлат органлари ёки ташкилотлари оммавий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича суд қарорини ижро қилмаган тақдирда, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда суд жаримасини қўллаш белгиланмоқда. Бундан суд қарорини тақдоран ижро қилмаганлик учун дастлабки жаримани ўн баравар оширилган миқдорда қўллаш ҳамда жарима қўлланилганлиги суд қарорини ижро қилишдан овоз қилмаслиги белгиланмоқда.

Ҳуқуқи бузилган фуқароларнинг судда овоз бериб юришининг олдини олиш мақсадида уларга оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган талаб билан бирга сабабий боғланмиш бўлган зарарни ундириш талабини маъмурий судга билдириш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда бундай талабларни ҳал этишни маъмурий судлар ваколатларига ўтказиш белгиланмоқда. Қолаверса, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида ярашувга эришиш механизмининг жорий қилиш ҳам тақлиф қилинмоқда.

Келишувга эришиш жараёнида қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тарафлар ўртасида тузилган келишув битими тарафларнинг шахсан иштирокида, улар узрли сабабларга кўра суд мажлисига келмаган ҳолларда эса, фикри олинган ҳолда суд томонидан тасдиқланади.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлашга, маъмурий суд иш юритувини халққаро стандартларни инобатга олган ҳолда такомиллаштиришга ҳамда маъмурий судларни ҳақиқий халқ судига, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳимоячисига айлантиришга хизмат қилади.

У. АЛИЕВ, Тошкент туманлараро маъмурий суди судья ёрдамчиси.

Маънавий меросимизни тадқиқ этиш орқали тарихимизни холис очиб бериш тарихчиларга катта масъулият юклат келган. Бу борада халқимизнинг ўтмиш тарихини ёритиб берадиган бирламчи ёзма манбалар сақловчиси бўлган архив ва кутубхоналар фаолиятини тартибга солиш, соҳани ривожлантириш илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишига имкон беради. Хусусан, архивлар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қатор ҳуқуқий-методий ҳужжатлар Ўзбекистонда архив иши соҳаси ривожланишининг янги даврини бошлаб берди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий архиви фондида сақланаётган Туркистон қишлоқ хўжалиги илмий жамияти ва Туркистон зироатчилик ва давлат мулки бошқармаси тарихи ҳақида маълумот берадиган ҳужжатлар ичида “Дехқон” журнали халқимизнинг зироатчилик, чорвачилик, боғдорчилик соҳаларидаги бой тарихини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Шундай ҳужжатлар борки йиллар давомида ўрганилишини, илмий муомалага киритадиган ўз тадқиқотчисини кутади. Шу мақсадда ўлкамиздаги аграр соҳа тарихидан қимматли маълумотлар берадиган “Дехқон” журналини тадқиқот объекти сифатида олдик. Уша даврларда Россия ҳукмрон доиралари ва маҳаллий мустамлака маъмурияти томонидан даромад манбаи сифатида қаралган ердан унумли фойдаланиш ва маҳаллий аҳолига илмий ва техник ёрдам бериш режалари ишлаб чиқилган, аммо дастлабки вақтларда аграр ёрдам маҳаллий аҳолига эмас, балки кўчириб келинган рус деҳқонларига кўпроқ кўрсатилгани етарлича фойда келтирмаган. Шундан сўнг халқ хўжалигини ривожлантириш учун ўзбек тилидаги биринчи қишлоқ хўжалиги журнали – “Дехқон” нашр этила бошланди. Мазкур журнал 1914-1925 йиллар давомида Туркистонда мусулмон деҳқонларига зироатчиликни ҳақи тариқа олиб бориш, қандай маҳсулотлар етиштириш, қанақа уруғлардан фойдаланиш, қай тарихқа кўп ҳосил олиш, чорва ва паррандаларнинг энг яхши насллари ҳақи-

“ДЕХҚОН” ЖУРНАЛИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

да қимматли маълумотларни бериб берган. Журналининг қисқача тарихига тўхталадиган бўлсак, унда 1914 йилдан зироатчилик, боғдорчилик, уй чорвачилиги ва асарларчилик соҳаларини ривожлантиришга оид мақолалар мутассил чоп этиб келинган. Журнал ташкилотчиси Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти илк таъсисчиларидан бири, Ўрта Осиёда етиштирилаётган маҳаллий бугдойнинг 1000 дан ортиқ навини ўрганган, боғдорчилик, узумчилик ва виночиликда 42 йил меҳнат қилган машур олим, агроном Шредер Рихард Рихардовичдир. Журнал 1916 йилга келиб 6 ой давомида ўлкада қозғоқ маҳсулотларининг тортилиши ва нархи қимматлашиши натижасида нашр этилмаган. 1917 йилнинг январидан 1924 йил октябргача ҳар ой нашр этилиши давом эттирилди. 1917 йилда вақтинчалик муҳаррир вазифасида ишлаган Г.В.Андреев томонидан нашрга тайёрланган. Ҳаттоки 1916 йил обунаси учун пул тўлаб, лекин олма-

ган муштарийларга журналининг янги сонлари текин тарқатилган. 1924 йил октябрдан 1925 йил февралгача маълум сабабларга кўра яна нашрдан чиқмайди. Ўзбекистон пахта комитети ва ер ишлари комиссарлиги тасарруфида феврал ойи ўртасида яна чоп этила бошлади. Маҳаллий аҳоли тушуниши учун эски ўзбек алифбосида зироат ишларига оид фойдали маслаҳатлар бериб берилган. Журналини ўрганиш давомида халқимиз деҳқонлари ва рус агрономлари томонидан тўпланган тажриба ва билимлар аҳолига етказиб турилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, 1915 йилдаги илк сонда гўза парвариши ҳақидаги мақолада “Ота-боболаримиз фақатгина жайдари гўзани экишган. Аммо руслар вилоятимизга келгандан сўнг, ўзлари билан амиркон чигитларни олиб келиб эка бошлаган. Аммо амиркон гўзани ҳар хили бўладир: сизлар “қора чигит”, “малла чигит”, “кўк чигит” деганларинигина биласиз ва энди амиркон

чигитни ҳаттоки “кенинг”, “тарбур” навлари ҳам борлигини эшитингиз. Баъзилари тез, баъзилари кеч пишадигон, баъзилари қалта, баъзиси узун пахта берадиганлари ҳам бор. Баъзилари тоғ олдида, баъзилари энг озиг жойда ҳосил берган. Вилоятимизда ушбу хил гўза подшоҳ ҳукмати томонидан тажриба қилинганда Анджон атрофида кўп ҳосил берган, Жалолобод ва Ўш атрофида кам ҳосил берган. Шул сабаб ҳар бирингиз ўзларингизга тўғри келадиган чигитни яхши билмоғингиз керак”, каби пахта навлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, мана шу сонда боғларга дарахт кўчатларини экиш бўйича ҳам маслаҳатлар берилган. Хусусан, кўчатларни нотўғри ўтказиш ҳақида “боғбон боғига мевали дарахт утқузса узумга жой ташлаб кетсин. Ва узум экилса узум орасига дарахт экилмасин. Чунки узумга соя қилади. Деҳқонлар мевали дарахтлардан олма, нок, олча ораларига дарахтлар экиши фойдали эмас. Агарда дарахтлар қа-

лин экилса ёмон усуб бўлиб, ҳосилни оз беради. Бундай хатони боғбонлар ҳам тақдорлаб, бедазорларига қалин қилиб ўрик ўтказадилар” каби маълумотлар берилган. Журналда зироат илми ҳамда ўрганилган билимларнинг амалда катта фойдаси борлиги ҳақида ҳам тушунтириш берилган. Масалан, журналнинг 1917 йилдаги сонларнинг биринчи “Бизнинг Туркистон деҳқонлари Туркистон вилоятига руслар келмасдан олдин омондан бошқа ҳеч бир ер ҳайдайдиган асбобни ва Америка пахта уруғларини, бир хил резавор мевалар экиш йўларини, дарахтларни яхши пайванд қилишни ва асарларни яхши тарбия қилиш ва шунга ухшаш кўп нарсаларни билмас эдилар. Руслар Туркистонга келганларидан бошлаб ушбу айтилган зироат камчилиги бизнинг Туркистон деҳқонларига маълум ва ошқора бўла бошлади. Бизнинг Туркистон деҳқонлари руслардан мазкур осон ва фойдали услубларни ўрганиб олдинги аҳволларидан анча яхшиланиб ҳаёт турмуш тарзи ўзгара бошлади. Бу Туркистон деҳқонларини зироат тўғрисида олган фойдалик таълимлари шарият қонунига ҳеч бир хилоф бўлмағи ўлка мусулмонларига кўп фойдалик томонлари кўп эди”, – деб подшо Россияси томонидан фойдали илмлардан халқ фойда кўрганликларини тасдиқлаб бермоқда. Шунингдек, журналда деҳқонларнинг уй паррандаларидан ҳам фойда топишлари бўйича маслаҳатлар берилган. Хусусан, мақолада “товуқларнинг ҳар хили кўпдур, аммо бизнинг Туркистон деҳқонларига осон боқиш учун ротайланд деган қизил патлик товуқлар жуда тўғри келган. Бу товуқлар чидамли ва боқилиши бўлган. Шу паррандалар хўрозларнинг вазни саккиз қадокдан ўн қадокгача келган. Аммо товуқларнинг вазни олти қадокдан тортиб саккиз қадокга қадар

келган. Товуқлар оч қизил рангда катта, катта бўлган ва қиш вақтида бошқа товуқлар тухум қўймаган вақтда бу товуқлар тухум қўйганлар. Хўрозлари ниҳоятда чаққон хислатлик бўлишган. Товуқлари яхши тухум қилган ва тухум босиб чўжа очишга ётганда тинч ётиб тухумдан чиққан чўжаларни яхши тарбия қилиб боққанлар. Бу турдаги товуқлар бир йилда 150 донадан кўпроқ тухум қилганлиги” бўйича қизиқarli маълумотларга дуч келишимиз мумкин. Бу ротайланд деган товуқларни қайдан топса бўлади деб саволга Зироатчилик жамияти томонидан қуйидагича жавоб берилган: бунинг (ротайланд) Константиноски деган кўчада, Салор ариги бўйидаги Зироат жамияти ўз ҳовлисида боқиб кўпайтиришни маълум қилган. Жамият аъзоси С.С.Боголовский “Зероки бу товуқлар бениҳоя кўп мазали гўшт ва катта тухумларини ва чиройлилик жўжаларни бериб турган. Агар баъзи деҳқонлар бу товуқларни боқиш тўғрисида қийналиб қолсалар, чунончи товуқлар касал бўлиб қолса ёки ўлиб қолса ёки кўп тухум қилмаса ва бошқа шубҳаларга тушсалар шу вақтда мазкур шубҳаларни йўқ қилиш учун томошабоғ олдидаги бизнинг зироат жамияти ҳовлисида ҳар ҳафта пайшанба кунчи кекурун соат 5 дан то 7 гача келсалар булар эди”, дея ёзиб қолдирган экан. “Дехқон” журнали Туркистон ўлкаси халқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолининг зироатчилик маданияти ва билимини ошириш мақсадида ташкил қилинганлиги ўша давр учун жуда муҳим эди. ЎзМА кутубхонасида мазкур журналнинг 1915-1917, 1921-1922 ва 1925 йилларда нашрдан чиққан нусхалари сақланмоқда.

Самандар МАВЛОҶОНОВ, ЎЗМУ талабаси.

"Зомин" эркин туристик зонаси таркибига кирувчи замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар қуриш режалаштирилган

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖИЗЗАХ – ОАВ НИГОҲИДА

(Боши 1-саҳифада)

Вилоят ҳоқими ўринбосари – инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Нодир Нурматов вилоятга жалб этилган хорижий ва ички инвестициялар, вилоят саноати салоҳияти хусусида маълумот берди. Ижодий уюшмага аъзоликка қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари ва кўкрак белгилари тақдим этилди. Медиа-тур иштирокчилари Sambhgam технология университети фаолияти, таълим жараёни, талабалар учун яратилган шароитлар, Жиззах шаҳридаги "Олмазор Сити" масивидеда жойлашган "NEW LAND" масъулияти чекланган жамиятига қарашли "Farali textile" тикувчилик корхонаси фаолияти билан танишди.



Медиа-тур иштирокчилари Жиззахлик хўнарандлар иши билан танишмоқда

Жамшид НОҲИДОВ (ЎЗА) олган суратлар

Корхона болалар, аёллар ва эркаклар кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга, бир қисми ички бозорга мўлжалланган. Бу ерда мингдан ортиқ "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ешлар дафтари" рўйхатидан жой олган хотин-қизлар меҳнат қилаётир.

– Икки йил муқаддам Жиззахда бўлган эдим, – дейди ТАСС муҳбири Валерий Бирюков. – Қисқа вақт ичида катта ўзгаришлар бўлибди. Илгари Жиззахда 4-5 та 9 қаватли уй бўларди. Бугун эса "Олмазор Сити"нинг ўзида жаҳон андозаларига мос барпо этилган, энг муҳими барча қўлайликларга эга ўндан ортиқ 16 қаватли уйлар қад ростлаган.

Сўнгра тадбир иштирокчилари "IT PARK"нинг Жиззах филиалига борди. – "IT PARK" фаолияти чуқур таассурот қолдирди, – дейди "Фергана.ру" мух-

жараёни амалга оширилиб "KIA" ва "RENO" автомобилларининг барча зарур қисмларини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Корхона тўлиқ ишга туширилгач, 2 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланади.

– Заводда йиғилаётган автомобилларни кўриб ўргандим, юргизиб кўрдим, – дейди Буюк Британиянинг "Рейтер" агентлиги муҳбири Муҳаммадшариф Маматқулов. – Бу ерда 1 соат давомида 5 та автомобиль йиғилар экан. Ушбу заводда ишчи-хизматчиларнинг 90 фоизи маҳаллий ёшлар экан. Улар ўзига жуда ишончмўқда. Ишонч бўлса, олдида кўйилган барча марраларга эришиш мумкин.

Медиа-тур давомида хорижий, республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари Шароф Рашидов ҳамда Зомин туманида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам танишишди. **Абдужалол ҚАЙУМОВ,** ЎЗА муҳбири.

Ташқаридан, аниқроғи пойтахтдан туриб қараганда, Жиззах гўё соқин оқаётган дарёга ўхшайди. Уни келиб, худди бугунгидек ичига кириб, яқиндан танишгандан сўнг фикрингиз бутунлай ўзгаради. Биргина мана шу объект жаҳонда 20 та. Ана шу 20 та давлатнинг 1 таси Янги Ўзбекистоннинг Жиззах вилоятида. Бу қувонарли, албатта.

"Янгилаётган Жиззах – журналистлар нигоҳида" халқаро медиа-турда иштирокчилар "ADM Jizzakh" автомобиль заводининг йиғув жараёни билан танишишди. Ушбу заводда "KIA" русумидаги автомобилларнинг 5 тури йиғилиб, ҳозирча ички бозорга чиқарилмоқда. Корхонада 250 нафардан зиёд киши меҳнат қилади. Уларнинг ишлаши, дам олиши, овқатланиши ва умуман унумли меҳнат қилиши учун барча қўлайликлар яратилган. Келгуси йилдан янги цех фаолиятини бошлаш режалаштирилган. Яқин келажакда эса маҳаллийлаштириш



Зомин туманининг "Суффа" номи билан машҳур айни пайтда тоғларнинг энг баланд қисмини бирлаштирган кенглиги табиатнинг том маънодаги мўъжизаси, деса хато бўлмайди. Зотан, бу ҳудуд манзараси ва унганча бўлган тоғлар оша гўзал манзарали йўл, бундаги тоза ҳаво ҳақиқий маънода дунё туризми масканлари рўйхатида туришга даъво қила олади. Шуни назарда тутиб, мамлакатимиз Президенти бу ерни худди шу даражадаги туризм масканига айлантириш учун бевосита кўрсатма берган. Бу борада бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг қарори мавжуд. Яъни "Зомин" туристик зонасида "Суффа" плотаси. 2400 халқаро умуммавсумий курорти ташкил этилиши назарда тутилган. Бунда "Зомин" эркин туристик зонаси таркибига кирувчи замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар қуриш режалаштирилган.

Хотира



ЛОЛА ОНА

Лола мисол юракларда жола қолди, Уват-уват, жўяк-жўяк нола қолди.

Яғнада адашдим қари ажал? Қайси қўли билан жонинг ола қолди?

Кўзёшлардан қатқалоқдир бугун кўнгли, Пайқалнинге бир чеккасида мола қолди.

Ерни шунча севадим одам деган? План тўлди, лекин ҳаёт чала қолди.

На бир рўзгор қолди ва на бола қолди, "Онамму"лаб сағир бўлиб дала қолди.

Бир ҳоқисор сабоқ берди опаизор, Лоладайин юрак бўлиб Лола қолди.

Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири.

Реклама



Сувда эрувчан хлорсиз комплекс ўғит – NPKS

Сувда эрувчан хлорсиз комплекс ўғит – NPKS экишдан олдин тупроққа сепиш учун ҳам, уруғларни экиш олдида ишлов бериш учун иссиқхоналар ва очик ерга сепиш орқали ишлатилади.

Сувда эрувчан хлорсиз комплекс ўғит – NPKS таркибиде азот, фосфор, калий ва олтингугурт каби асосий озик моддалар мавжуд.

ТАРКИБИДА:
17 % АЗОТ,
11 % ФОСФОР,
9 % КАЛИЙ,
13% ОЛТИНГУГУРТ
МАВЖУД

Манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй.
Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.
Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.
info@maxam-chirchiq.uz www.maxam-chirchiq.uz

Маҳсулот сертификатланган



АҲОЛИ СОНИ БЎЙИЧА АНИҚ ВА ИШОНЧЛИ МАЪЛУМОТ ШАКЛЛАНДИ

Аҳолини рўйхатга олиш расмий статистика тизимидаги асосий рол ўйнайдиган муҳим кўрсаткич бўлиб, бунда аҳоли сони бўйича аниқ ва ишончли маълумот олиш имкони пайдо бўлади. Аҳолини рўйхатга олиш тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, дастлабки аҳоли рўйхати Ўзбекистон ҳудудида 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 йилларда ва сўнгги марта 1989 йилда амалга оширилган. Мустақилликдан сўнг республикаимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбири биринчи марта 2023 йилда бўлиб ўтади ва ҳар ўн йилда амалга оширилади. Мазкур тадбирнинг аҳамияти катта, албатта. Бунинг натижасида аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар яшаш шарт-шароитларини яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича чоралар ишлаб чиқилади. Аҳоли таркибидеги, мамлакатнинг демографик вазиятдаги ўзгаришларини баҳолашга доир маълумотлар базаси кенгайтирилади. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг узок, ўрта ва қисқа муддатли прогнозлари ҳамда дастурларини тайёрлаш, аҳолини рўйхатга олишлар оралиғидаги даврда аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини, ҳисоб-китобларини ҳамда прогнозларини амалга ошириш, энг муҳими, олинган маълумотлар асосида Ўзбекистоннинг халқаро рейтингини оширишга эришилади.

Бахтиёр БОЙМУРОДОВ, Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи.

ЛОҚАЙДЛИКДАН ҚУТУЛМАС ЭКАНМИЗ...

Маълумки, уй қурилишидан тортиб уни иситишу совутиш, ошхона-ю ўчоқбошининг жойлаштирилиши барча-барчасида ёнгин хавфсизлиги қондалари қатъий ҳисобга олинган.

Болаларга олов билан боғлиқ ҳеч қандай юмуш буюрилмаган ёки уларнинг олов билан ўйнашларига мутлақо изн берилмаган. Афсуслар бўлсинки, бизнинг давримизга келиб кўпчилик ота-оналар олов билан боғлиқ ишларда, айтилик, овқат пишириш, чай кўйиш сингари уй-рўзгор юмушларида бу қондаларга қатъий амал қилишмайди ёки бу юмушларни болаларга топшириб қўйишади. Яшаш жойларида бўлгани каби иш жойларида ҳам ёнгинга олиб келувчи ҳолатларга лоқайд муносабат ҳамон сақланиб қолаётганлиги ташвишланарлидир. Бунинг натижасида жойларда турли даражадаги ёнгинлар содир бўлиб турибди. Шу сабабли давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли турар жойларининг ёнгинга қарши ҳолати мунтазам текшириб турилади, оммавий ахборот воситалари орқали ёнгинларнинг олдини олиш мақсадларига қаратилган чиқишлар қилинади, профилактик тадбирлар ўтказилади. Шунга қарамай, фуқаролардаги лоқайдлик ва бефарқликлар туфайли яшаш жойларида ҳамон ёнгинлар содир бўлиб турибди. Кимнингдир айби билан содир бўлган ёнгин бошқаларнинг жабр кўришига, уй-жойсиз қолишига сабаб бўлаётир. Шундай экан, бу борадаги тарғибот ишларини бундан-да кучайтиришимиз, фуқароларда ушбу масалага нисбатан маъсулиятни янада оширишимиз зарур.

С.Б.МИРЗАЛИЕВ, Ўз. Рес ПАМБ ЁХТТЕ 1-бўлимаси ЁН ва ПБ инспектори, катта сержант.

QISHLOQ HAYOTI

УЗАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси комплекси таркибидеги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Ақтам ХАЙТОВ, Маҳмуд ТООИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюролма Г-647. 1698 нусхада чоп этилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50. Факс – (0-371) 233-09-93. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 19.30